

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан 2022 йил I чорагида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҲИСОБОТ

2022 йил I чорагида Фанлар академиясига 59 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари тушган бўлиб, шулар ижроси юзасидан Фанлар академияси томонидан 42 та қарорлар (17 та буйруқ, 1 та қўшма қарор, 24 та назорат режалари ва чоратадбирлар дастури) қабул қилинди ва ижрога йўналтирилди.

Фанлар академияси мазкур ҳужжатлари ижроси юзасидан илмий ташкилот ва минтақавий бўлимлар томонидан мақсадли ўрганишлар асосида ҳар ойда ижро интизоми бўйича ҳисоботлар тақдим этиб келинмоқда.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими – “project.gov.uz” портали орқали вазирлик ва идоралардан келган 78 та ҳужжат лойиҳалари келишиб берилди.

Фанлар академияси томонидан ишлаб чиқилган 9 та ҳужжат лойиҳалари - идоравий келишув, 3 та лойиҳа - жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирилди, 3 та ҳужжат лойиҳаси регламентга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

“Ijro.gov.uz” идоралараро электрон тизимига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва Фармойишлари, ҳудудларга ташрифи баёнлари, хорижий давлатларга амалга оширилган Олий даражадаги ташрифлар яқунлари бўйича тасдиқланган “Йўл хариталари”даги топшириқлар ижросига доир асосланган маълумотлар киритиб келинмоқда.

Мазкур даврда (январь-март) “Ijro.gov.uz” идоралараро ягона электрон тизим орқали Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва йиғилиши баёнлари 232 та топшириқ ижроси таъминланди.

2022 йил январь-март ойларида Фанлар академиясига 63 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 60 та мурожаат қонунда белгиланган муддатларда ўрнатилган тартибда ҳал этилган ва 3 та мурожаат кўриб чиқиш жараёнида.

Фанлар академияси раҳбарияти ва масъул ходимлари томонидан республика ҳудудларига ташрифи давомида жами 3 маротаба оммавий ва шахсий қабуллар ташкил этилди, уларда фуқаролар томонидан кўтарилган масалалар барчаси жойларда илмий тадқиқот ташкилотларининг салоҳиятли олимлари билан биргаликда ижобий ҳал қилинди ва тегишли тушунтиришлар берилди.

Жорий йилнинг I чорагида Фанлар академиясига келиб тушган жами мурожаатлар 40 таси (63%) бевосита жисмоний ва юридик шахслардан ҳамда турли вазирлик ва идоралардан, 23 таси (37%) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонасидан бўлиб, уларга белгиланган муддатда тўлиқ жавоб бериб келинмоқда.

Жумладан, тушган мурожаатлардан 6 таси белгиланган тартибда тегишлилиги бўйича вазирлик ва идораларга юборилган.

2021-2022 йилларнинг биринчи чорақлари яқунлари бўйича Фанлар академиясига мос равишда 99 та ва 63 та мурожаат келиб тушган бўлиб 2022 йилнинг биринчи чорагида 2021 йилга нисбатан 36% камайган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан 2022 йил I чорақ давомида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- Олий малакали кадрлар тайёрлашни ривожлантириш доирасида 7 та DSc докторлик (100%) ва 31 та PhD (103%) диссертацияларининг ҳимоя қилинди;

- Халқаро тан олинган журналларда 76 та (108%) мақолалар чоп этилди;

- Ишланмаларга 31 та (103%) патент ва гувоҳнома олинди;

- «Эл-юрт умиди» жамғармасининг дастурлари ва Инновацион ривожланиш вазирлиги жамғармаси ва бошқа манбаалар ҳисобидан Фанлар академиясининг 29 нафар ходимлари учун ўқитиш ва қисқа муддатли илмий стажировкалар ташкил этилди;

- Табиий бирикмалар асосидаги янги дори воситалари ва маҳаллий зардоб яратилди;

- Биоорганик кимё институти қошида ташкил этилган “Жамоавий фойдаланиш” маркази томонидан хизмат кўрсатиш учун 5 та (125%) шартномалар имзоланди;

- Фанлар академияси ташкилотлари томонидан маҳсулотлар экспортини тўлиқ бажарилишини таъминлаш.

- Маҳсулотлар экспорти 0,99 млн доллар (110%) ҳажмида амалга оширилди.

- Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар (50 млрд. сўм) тўлиқ ҳажмда ўзлаштирилди;

- Физика-математика ва техника фанлари бўйича 30 та халқаро ва маҳаллий илмий конференциялар ҳамда семинарлар ташкиллаштирилди.

- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг инновацион фаолият соҳасида уч йилга(2022-2024 йй.) мўлжалланган «ЙЎЛ ХАРИТАСИ» ишлаб чиқилди ва ижрога йўналтирилди.

- Инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузилмани яратиш мақсадида Хоразм Маъмун академиясида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Инновацион ривожланиш вазирлигининг “Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси” маблағлари ҳисобига 55 минг АҚШ доллари ҳажмида замонавий асбоб-ускуналар сотиб олинди, яна 100 минг АҚШ доллари ҳажмидаги асбоб-ускуналарни сотиб олишга ишлаб чиқарувчилар билан шартномалар тузилди ва 53 минг АҚШ доллари миқдоридаги асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун давлат харидлари ташкил қилинди.

- Илмий йўналишларда олиб борилган илмий изланишлар натижасида қатор ихтиролар қилинди ва уларга интеллектуал мулк агентлиги томонидан интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилувчи 150 ҳужжатлар олинди.

- Давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда Физика-техника фанлари йўналишидаги илмий ташкилотлар ходимлари учун инновацион фаолият, илмий-техник ишланмаларни юқори илмий ҳажмдор маҳсулотлар бозорида тарғиб қилиш ва тижоратлаштириш масалалари бўйича махсус курсларнинг ўқув дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

- Сейсмик фаол ҳудудларида жойлашган бино ва иншоотларнинг “Электрон техник паспорт” ахборот тизими ишга туширилди (<http://passportbino.uz>).

- Зоология институти “Зоология коллекцияси”нинг тўлиқ электрон каталогини яратилди ва сайт ташкил қилинди (<http://collection.zoology.uz>), шунингдек, Ўзбекистон флорасининг электрон маълумотлар базаси тузилди ва Ўзбекистон Миллий гербарийсининг (TASH) виртуал кўриниши яратилди.

- Ўсимлик моддалари кимёси институтида диагностикаларни ишлаб чиқариш корхонаси учун бино қуриб битказилди. Янги дори воситаларни яратишда биологик фаол моддалар тузилишини аниқлаш учун Jeol (Япония) компаниясининг 600 МГц ли ядро-магнит резонанс спектрометри ишга туширилди. Маҳаллий вакциналарни ишлаб чиқиш бўйича дастлабки тажрибалар якунланди ва номзод-вакциналар асоси ишлаб чиқилди.

- Хоразм воҳасининг тупроқ-иқлим шароитига мос бўлган қишлоқ хўжалиги ўсимликларини иқлимлаштириш орқали шўрланиш ва чўлланишнинг олдини олиш масалаларини тадқиқ этди, мавжуд экспериментал база асосида қишлоқ хўжалиги ва балиқчилик соҳаларида инновацион ишланмалар яратилди; Маҳаллий минерал ресурсларни ва саноат чиқиндиларини қайта ишлашнинг илмий асосларини яратади ва ишлаб чиқаришга кенг жорий этилди.

- “Бактовит” озуқа қўшимчаси, “Имбиокон” биоконсерванти, қишлоқ хўжалиги ва балиқчилик учун хлорелла биомассасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва мамлакат бозорига чиқарилди.

- Хитой билан ҳамкорлик асосида МУК-2021-44 “Ёввойи олма турларининг чидамлилиқ генларини тадқиқ қилиш ва молекуляр маркерлар яратиш ҳамда уларни қўллаш” мавзусидаги амалий лойиҳа бажарилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар натижасида институтда “Ёввойи олма” генофонди ташкил этилди.

- Хитой Фанлар академиясининг Пекин География ва ресурслар институти билан ҳамкорликда “Иқлим ўзгаришининг қишлоқ хўжалигига таъсирини технологик демонстрацияси” илмий тажрибаси амалга оширилмоқда, ушбу лойиҳани бажариш учун Хитой томонидан 10 минг АҚШ доллари ажратилди.

- Ҳиндистоннинг Indian Agricultural Research Institute тадқиқот институти билан ҳамкорлик доирасида Занжабил (*Zingiber officinale*) ва

зарчава (*Curcuma longa*) ўсимликларининг юқори ҳосилдор навларининг уруғлари олиб келинди.

- Бутунжаҳон сабзавотчилик маркази (Тайван) билан ҳамкорлик доирасида мош (*Vigna radiata* (L.) Wilczek) ўсимлигининг 15 та энг серҳосил ва механизацияда ўришга мослашган навларининг уруғлари келтирилди. Ушбу келтирилган мош навларини маҳаллий шароитларга мослаштириш ва навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш бўйича ПЗ-2020110141 “Механизациялашган агрегатлар ёрдамида йиғиб олишга мослашган мошнинг янги навларини яратиш ва бирламчи уруғчилигини ташкил қилиш” мавзусидаги амалий лойиҳа амалга оширилди.

- “Лактопрополис” препаратини ишлаб чиқариш ташкил этилди ва Ислом тараққиёт банкининг трансформаторлар жамғармасининг \$ 100000 миқдоридаги гранти олинди ҳамда Ўзр ФА Микробиология институти билан биргаликда инновацион ривожланиш жамғармаси томонидан ажратилган хусусий инвестициялар ва маблағларни жалб етган ҳолда, давлат бюджетидан ишланмаларни тижоратлаштиришга олиб келиш учун “AllWellLab” тажриба-ишлаб чиқариш участкаси яратилди.

- Тожикистон Республикасига органик пахта ишлови учун 4230 л Микрозим-2 биопрепарати экспорт қилинди.

- Табиий фанлар бўлими таркибидаги “Физик-кимёвий таҳлил” лабораторияси ходимлари ҳам “Йўл кўкаламзорлаштириш” унитар корхонаси билан хўжалик шартномаси асосида Хоразм вилояти тупроқларининг кимёвий таркиби, умумий шўрланиши ва оғир металллар миқдори каби кўрсаткичларини илмий ходимлар томонидан яратилган янги методикалар ва тест-системалар ёрдамида таҳлил қилишни йўлга қўйилди.

- Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига “Биологик пестицидларни ишлаб чиқарувчи илмий ишлаб чиқариш корхонасини ташкил қилиш” мавзусида стартап лойиҳаси тақдим қилинди ва 568 млн сўм миқдорида Инновацион ривожланиш вазилиги томонидан молиялаштирилди. Ҳозирги кунда инновацион корхона ўз фаолиятини бошлаган ва 20 га яқин турдаги биологик пестицидлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

- Физика-техника институти ва истеъмолчи "Олмалик КМК" АЖ ўртасида родонометрни ишлаб чиқиш ва тайёрлаш бўйича 63-2144юр-сон шартнома имзоланди. Физика-техника институти ҳамда Олмалик кон металлургия комбинати (ОКМК) ўртасидаги шартномасига асосан, Физика-техника институтида тупроқ, сув ва ҳавода радоннинг кўламли фаоллигини ўлчаш учун родонометр, альфаметр ҳамда гаммаметр ўлчов асбоблари ишлаб чиқарилиб, синовдан ўтказилди ҳамда ОКМКга етказиб берилди.

- Конструкторлик бюроси ва тажрибавий ишлаб чиқариш илмий техник маркази ва истеъмолчи "ETERNO-INJINIRING" МЧЖ ўртасида кишлок хўжалиги мақсадларида фойдаланиш учун махсус озон-генераторини ишлаб чиқиш ва ускунани тайёрлаб бериш бўйича 07/21-сон, нархи 300150000 сўмлик шартнома имзоланди.

- Ядро физикаси институти ва истеъмолчи "Уранредметгеология" АЖ ўртасида бурғулаш мосламаларини мустаҳкамлигини ошириш ва маҳсулотни етказиб бериш бўйича 2/28-21-сон, нархи 131.816.400 сўмлик шартнома имзоланди.

- Импорт ўрнини босувчи иссиққа чидамли керамик шарларни тайёрлаш ва ишлаб чиқариш Материалшунослик институти ҳузурида ташкил этилган "Керамика-Қуёш" МЧЖ томонидан амалга оширилмоқда, "Ўзбекнефтгаз" АЖ тизимидаги "Шўртан газ кимё мажмуаси" МЧЖ билан 96,5 млн.сўм ҳажмли 4 тонна маҳсулот етказиб бериш бўйича учта Шартнома имзоланди ва маҳсулот тўла ҳажмда буюртмачига етказилди.